
ФАРҒОНАДА “ZIRAAT BANK UZBEKISTAN” ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Фарғона шаҳрида Туркиядаги “Ziraat bankasi”нинг Ўзбекистондаги шўба банки ҳисобланган “Ziraat Bank Uzbekistan” филиали тантанали тарзда очилди. Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанддан сўнг Фарғона ушбу банк филиали фаолият олиб борадиган учинчи вилоятга айланди.

Очилиш тадбирида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулдда ва мухтор элчиси Олгун Бекар, “Ziraat Bank Uzbekistan” бошқарув раиси Зафер Жанполат, тадбиркорлар, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни очиб берган Хайрулло Бозоров, Президентимиз раҳбарликларида сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган катта ислохотлар натижасида иқтисодийнинг тобора либераллашиб бораётгани, қулай инвестициявий муҳит шаклланаётганига эътибор қаратиб, Фарғонада “Ziraat Bank” филиалининг очилиши, инвесторлар оқимининг янада кўпайишига олиб келишига умид билдирди.

Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулдда ва мухтор элчиси Олгун Бекар, Буюк Ипак Йўли устида жойлашган Фарғона вилояти асрлар давомида минтақанинг асосий қишлоқ хўжалиги, тижорат, илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлганини таъкидлаб, турк сармоядорлари учун бугунги кунда Ўзбекистондаги энг жозибадор вилоятлардан бири эканини қайд этди.

“Ziraat Bank Uzbekistan” бошқарув раиси Зафер Жанполат, Фарғонадан кейин Наманган, Андижон ва Бухоро шаҳарларида ҳам филиал очиш режаси мавжудлигини маълум қилди. “Банк соҳасида замонавий хизматларни олиб кириш билан бирга, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажмини юксалтиришга ҳамда Туркиянинг банк секторидаги тажрибаларини қардош Ўзбекистон билан баҳам кўриш ҳам стратегик режаларимиз қаторидан ўрин олади. Зираат Молиявий Гуруҳи ўлароқ ота ватанимизнинг бу баракали тупроғи – Фарғонада филиалимизни очаётганимиз бизга ифтихор беради.”, деди Зафер Жанполат.

1863 йилда Усманийлар даврида ташкил топган ва салкам 160 йиллик тарихга эга “Зираат Банк” бугун дунёнинг 19 та мамлакатада ўз шўбаларига эга. Туркияда банкнинг 1800 дан зиёд филиаллари мавжуд.

“Ziraat Bank Uzbekistan” 1993 йили Ziraat bankasi ва Ўзбекистоннинг Агробанки ҳамкорлигида “Ўзбекистон-Туркия банки” – UT Bank сифатида ташкил топган. 2017 йил 30 ноябрда Ziraat bankasi томонидан Агробанк тасарруфидаги UT Bank ҳиссалари тўлиқ сотиб олинган, банк номи “Ziraat Bank Uzbekistan” деб ўзгартирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-02 17:07:25